ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИККАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМИ ҚАРОРИ

ӨЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИККАЛА РАЙОНЛЫҚ
ХӘКИМИ ҚАРАРЫ

Бўстон шаҳри — Бостон қаласы

№ 948/10 — 2018 йил «26» октябр

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 05 декабрь кунги 965-сонли “Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Низомини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) ни ижро қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхоналар, ташкилотлар, идоралар учун ишчиларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан 175 одамдан иборат 5,9 фоиз миқдорда шу ҳисобдан:

а) кўп болали ота-оналар учун 30,8 фоиз 54 нафар;

б) таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 40,5 фоиз 71 нафар;

в) ҳарбий хизматдан қайтганлар учун 9,2 фоиз 16 нафар;

г) ногиронлар учун 4,6 фоиз 8 нафар;

д) бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 4,0 фоиз 7 нафар;

е) Жазо муддатини ўтаб қайтганлар учун 10,9 фоиз 19 нафар;

2. Банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш учун маҳсус комиссия 1-иловага мувофиқ, 2019 йил 1-январдан бошлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун корхона ва ташкилотларда ишловчиларга нисбатан белгиланган ишчи ўринлар ташкил қилиш тўғрисидаги режа 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил

якунланишидан 10 кун олдин квота иш ўринлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечиктирмасдан иш ўринларининг қолган қисми 75 фоизини ташкил қилиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) хақидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринларини банд қилиш касб ва лавозимлари, мутахассислар кесимидаги маълумотларни ва қарор асосида чиқарилган буйруқ нусхаларни туман бандликка кўмаклашиш марказига топшириш вазифалари юклатилсин.

4. Корхона, муассаса ва идоралар раҳбарларига Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар иш ўринларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Низомга мувофиқ белгиланган муддатда ва тартиб билан яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш ўринларини санитария гигиена қоидаларига ва ишчилар ўз вазифаларини қийинчиликларсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат шартномаларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарорни бажармаган ташкилот ва корхоналарнинг лавозимли шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Низомга мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда иш излаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкиллаштирилган ташкилотлар шу иш ўринларини ташкиллаштиришга сарфланган маблағнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш маркази фонди маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари хисобга олинсин.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ў.Шарипов) ушбу қарорни тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

8. Элликқалъа туман ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги “Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиш тўғрисида”ги 753/10-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор туман “Давр кўзгуси” газетасида расмий турда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Матчанов зиммасига юклатилсин.

ТУМАН ҲОКИМИ: **С.АВЕЗОВ**

Келишилди:

Р.Матчанов: Туман ҳокимининг 1-ўринбосари

Ў.Шарипов: Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори

Ш.Исмаилов: Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти

Тайёрловчи: И.Тиллаев

Элликқалъа тумани Хокимининг
2018 йил «26» октябр кунги
948/10 сонли қарорига 1-илова

Банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш учун махсус комиссия

Р.Матчанов	Туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси
Г.Айитбаева	Туман ҳокими ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
Ў.Шарипов	Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори, комиссия котиби
Ф.Ибадуллаев	“Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлими бошлиғи
С.Кенжаев	Туман ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма маркази раҳбари
З.Рахимов	Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори
А.Камалов	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи
Г.Примова	Туман ТМЭК раиси
Б.Избасаров	Туман ички ишлар бўлими бошлиғи
О.Рўзимова	Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси
И.Бабаджанов	Давлат хизматлари маркази туман бўлими раҳбари

Элликқалъа тумани Ҳокимининг
2018 йил "26" октябр кунги
948/10 сонли қарорига 2 - илова

2019 йилда Элликқалъа тумани бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Т/Р	Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иша жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар сони	Квота иш уринларини яратадиган корхоналарда ишловчилар сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш уринлари сони	Шу жумладан						
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлар сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан мудатли харбий хизматдан бўшатилганлар учун	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлар сони	Пенсияолди ёшидаи шахслар учун банд қилинган иш ўринлар сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган ишчи ўринлар сони	Одам савдосидан жабрланганлар учун
1	Туман Тиббиёт бирлашмаси	1208	46	12	21	4	2	4	3	
2	Элликқкалъа тумани 1-сон Республика туманлараро силга қарши курашиш шифохонаси	100	5	1	2	1			1	
3	№ 2-сонли Республика Руҳий ва асаб касалликлар шифохонаси	119	7	2	2	1	1		1	

4	Туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази	98	6		2	1	1	1	1	
5	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Элликқалъа туман ўқув спорт-техника клуби	21	2		1	1				
6	“Элликқалъадавсувмаҳсуспудрат” давлат унитар корхонаси	77	5		2	1			2	
7	Элликқалъа туман ирригация бўлими	114	9	1	2	2	1	1	2	
8	Элликқалъа ободонлаштириш бошқармаси	130	6	1	2	1			2	
9	Элликқалъа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	83	5	1	3	1				
10	“Бўстон мега текстил” масъулияти чекланган жамияти	160	13	5	3	1	1		3	
11	Элликқалъа туман ўрмон хўжалиги	46	4	1	3					
12	Элликқалъа тиббиёт коллежи	103	5	1	3				1	
13	Бўстон ижтимой иктисодий касб-хунар коллежи	133	6	2	3				1	
14	Элликқалъа қишлок хўжалик касб-хунар коллежи	92	4	1	2	1				
15	Бўстон кластер МЧЖ	197	11	3	2	1	2	1	2	
16	1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	36	2	1	1					
17	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	60	3	1	2					
18	8-сонли умумий ўрта таълим мактаби	75	4	2	2					

19	13-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати	48	3	1	2					
20	16-сонли умумий ўрта таълим мактаби	60	4	1	3					
21	18-сонли умумий ўрта таълим мактаби	82	4	2	2					
22	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	145	6	4	2					
23	25-сонли умумий ўрта таълим мактаби	74	4	2	2					
24	30-сонли умумий ўрта таълим мактаби	65	3	3						
25	47-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	2	1	1					
26	50-сонли умумий ўрта таълим мактаби	46	2	2						
27	61-сонли умумий ўрта таълим мактаби	84	4	3	1					
	Жами:	**3494**	**175**	**54**	**71**	**16**	**8**	**7**	**19**	**0**